

Аллоҳ ўлим ва ҳаётни синов учун яратди

15:09 / 05.11.2018 3402

Аллоҳ таоло Мулк сурасида марҳамат қилади:

الْعَزِيزُ وَهُوَ عَمَلًا أَحْسَنُ أَيُّكُمْ لِيَبْلُوكُمْ وَالْحَيَوَةُ الْمَوْتِ خَلَقَ الَّذِي



«У ўлим ва ҳаётни сизларнинг қайсиларингиз амалда яхшироқ эканингизни синаш учун яратди. У ўта иззатлидир, ўта мағфиратлидир» (2-оят).

Ўлим ва ҳаётни Аллоҳ таоло яратган, бу – ҳақ! Одатда аввал ҳаёт, сўнгра эса ўлим бошланади. Агар эътибор берсангиз, бу оятда ўлим аввал келтириляпти, бунинг ҳикмати одамларни яхши амалларга чорлашдир. Чунки ўлимни эслаган одам доимо унга тайёргарлик кўради ва ўлгандан сўнг шарманда бўлмаслик учун ўзини яхши ишларга сафарбар қилади.

Дарҳақиқат, ҳаёт ва ўлим Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига ёрқин далилдир. Аллоҳ таоло Ўз махлуқотларидан баъзиларига ҳаёт берган ва баъзиларига бермаган. Ҳаёт ўзи нима? Қаердан пайдо бўлади? Қандай қилиб? Уни текшириб бўладими? Ва шунга ўхшаш кўплаб саволларга ҳозирча жавоб йўқ. Фан-техника ривожланган асримизда ҳаётни лаборатория йўли билан яратиш учун қўлдан келганича уринилмоқда, лекин ҳеч қандай натижа бўлмапти. Бўлмади ҳам. Америкада инсон ҳаётини ўрганиш учун махсус олий илм даргоҳлари узоқ муддат ишлади.

Унинг раҳбари доктор Алексис Карл бу иш учун бир неча марта халқаро мукофотлар олди ва ниҳоят, «Инсон мажҳулдир» деган китоб ёзди.

Худди шунингдек, ўлим ҳам мураккаб нарса, буларни фақат барча нарсага қодир бўлган Аллоҳ таолонинг Ўзигина қила олади.